

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР  
ТАЪЛИМ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**221** Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1964-1*

*(2010 йил 15 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сон «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 184-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълим марказининг 2009 йил 20 майдаги 16/ҚҚ, 22, 155, 25-Қ/Қ-сон «Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқишга қамраб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1964, 2009 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 276-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директори**

**Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 30 июнь,  
15/ҚҚ-сон

**Халқ таълими вазири**

**А. МАРАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 30 июнь,  
28-сон

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**Б. ХОДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 30 июнь,  
254-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълими маркази директори**

**Ш. ЖАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 30 июнь,  
40-Қ/Қ-сон

**Келишилган:**

*Маданият ва спорт  
ишлари вазири*

*А. ЖАББОРОВ*

*2010 йил 30 июнь*

*Бадий академия раиси*

*Т. ҚЎЗИЕВ*

*2010 йил 30 июнь*